

UO'K 94(575.171):325.1''04/14''

ХОРАЗМ ВОХАСИ АХОЛИ ТУРАР-ЖОЙЛАРИДА АРХЕОЛОГИК ИЗЛАНИШЛАР НАТИЖАЛАРИ

Babajanova Nilufar Alisherovna

*Urganch davlat universiteti, "Tarix" kafedrasida o'qituvchisi
nilufarbabajanova01@gmail.com*

Аннотация: Жанубий Оролбўйи худудида аҳоли турар-жойларида олиб борилган археологик изланишлар натижаларига доир баъзи мулоҳазалар.

Калит сўзлар: Толстов С.П, Итина М.А, Левина Л.М, Галиева З.С., Болелов С.П, Ягодин В.Н, Жданко Т.А, Баратов Р.А, Рахманов У.В, Собиров К, Рўзимов С, Хелмс С.У, Ходжаниязов Г.К, Макларен Б.П, Хоразм, Сирдарё, Жетиосор, Инкордарё, Чирикробот, Қуйисой, Катта Ойбуйиркала, Туямуйин, Довдон, Кузаликир, Хазарасп, Тошқала-2, Акшаханқалъа.

Аннотация: В статье некоторые данные результаты проведенных археологических исследований дом строительство населения на территории Хорезмского оазиса.

Ключевые слова: Толстов С.П, Итина М.А, Левина Л.М, Галиева З.С., Болелов С.П, Ягодин В.Н, Жданко Т.А, Баратов Р.А, Рахманов У.В, Собиров К, Ружимов С, Хелмс С.У, Ходжаниязов Г.К, Макларен Б.П, Хорезм, Сирдарья, Жетиосор, Инкордаря, Чирикробот, Куйисой, Катта Ойбуйиркала, Туямуйин, Довдон, Кузаликир, Хазарасп, Тошқала-2, Акшаханқалъа.

Abstract: Some considerations on the results of archaeological research conducted in the settlements of the South Aral Sea region.

Keywords: Tolstov S.P., Itina M.A., Levina L.M., Galiyeva Z.S., Bolelov S.P., Yagodin V.N., Zhdanko T.A., Baratov R.A., Rakhmanov U.V., Sobirov K., Ruzimov S., Helms S.U., Khodzhanizayov G.K., McLaren B.P., Khorezm, Syrdarya, Zhetysor, Inkordarya, Chirikrobot, Kuyisoy, Katta Oybuyirkala, Tuyamuyin, Dovdon, Kuzalikyr, Hazarasp, Toshkala-2, Akshakhankala.

Кириш.

XX аср 30 йиллар ўрталаридан 1990 йилгача Хоразм воҳасида (ҳозирги Қорақалпоғистон республикаси, Хоразм вилояти ҳамда Тошхавуз вилояти ҳудудлари) ҳамда Қорақалпоғистон республикаси илмий марказлари, Хоразм Маъмун академияси ва Урганч Давлат Университети ҳамкорлигида археологик экспедиция Хоразмда аҳоли томонидан қолдириб исталган турар-жойларда кенг қамровли равишда олиб борган археологик изланишлар натижалари ушбу мавзунини ёритишда асосий манба бўлиб ҳисобланади. Ушбу

мақолада Амударё ўнг ва сўл соҳили ҳудудларида аجدодларимиз томонидан бунёд қилинган турар-жойларда олиб борган археологик қазишма ишлари натижаларини ёритиш назарга олинган.

XX аср 30 йил ўрталарида ташкил қилинган Хоразм воҳасида антик даври ва илк ўрта асрларга оид ёдгорликларида археологик текшириш ишлари кенг қамровли тарзда археологик изланишлар натижалари ушбу мақолани ёритишда назарий манба бўлиб ҳисобланади.

С.П.Толстов, Ю.А.Рапопорт, М.А.Орлов, Т.А.Жданко, Л.М.Левина Хоразм воҳси шимоли-шарқий ва шарқий ҳудудларида жойлашган археологик ёдгорликлари тўғрисида тарихий маълумотлар ўрин олган.

XX аср 30 йиллар охирида Хоразм экспедицияси ходимлари Амударё ўнг соҳил ҳудудида Жанбасқала, Кузалиқир ёдгорликларида қазишма ишлари олиб бориб, антик даврга оид манбаларни олган.¹ С.П.Толстов Сирдарёни Жетиосор воҳаси ҳудуди шимолида Жували географик хусусияти, аҳоли турар-жойлари ирмоқлар соҳили ҳудудига яқин жойлашганлиги, томонини ўраб олган мудофаа деворлари бурж ва элементлари ўрганилган. М.А.Итина Инкордарё ирмоғи соҳили ҳудудида чорвадор аҳоли мазор-қўрғонлардан олинган ашёлар, ҳамда мил.авв. IX-VIII асрларда Шимолий Тагискен мақбараси бинокорлик услублари тўғрисида хулосалар нашрларда кузатилади.

Тадқиқотчилар Л.М.Левина, З.С.Галиева Жетиасар ёдгорликлари, Олтинасар 17,5 га, Жетисар № 7,12,5 га, мудофаа девор, уларнинг элементлари айлана буржлар, Жетиасар-4-9,3 га эканлиги аниқланган. Б.И.Вайнберг, Левина А.М. Чирикработда қазишма ишлари натижасида олинган ашёларни олишга эришган.

Мустақиллик йилларида С.Б.Болелов, Бактрия аҳолиси Амударё ўрта қисми сўл ҳудуди Сарикамишбўйи хавзаси этник муносабатларни мил.авв. VII аср охири- VI аср бошларда кечган деган хулосага келган². В.Н.Ягодин Жанубий Бактриядан аҳоли гуруҳлари, мил.авв. VII аср охири VI аср бошларида Хоразм воҳасида Хумбузтепада кулол ашёларни чархда идиш-тавоқларни ишлаб чиқарганлар, аҳоли милодий IV асргача кулолчилик маркази бўлганлиги қайд қилган.

Хоразм экспедицияси ходимлари мил.авв. VII-VI аср бошларида ўнг соҳилда Яккапарсан-14 сўл соҳили ҳудудида эса Қанғқақала, Қуйисой, Катта Ойбуйирқала ёдгорликлари уй-хоналаридан темирдан қилинган меҳнат қуроллари хўжаликда ишлаб чиқарган Яккапарсан-2 манзилгоҳи аҳолиси авлодлари Яккапарсан-14 манзилгоҳда истиқомат қилганлар. Ёдгорлик ярим

¹ Толстов С.П. Древний Хорезм.-М.: МГУ 1948.-С 78-93.

² Болелов С.Б. Некоторые итоги археологических работ на Хумбузтепе // ОНУ-Ташкент, Фан, 1999 № 9-10.-С.89-90.

ертўла, ёғоч устунли чайла, бронза даври турар-жойлар анъаналари сақланиб қолган. Шу билан бирга Хоразм экспедицияси Ёнбошқала баландлиги атрофлари, Султон Увайс тоғи этаклари ва Туямуйин худудида аҳоли хўжалик маданияти тўғрисида маълумотлар кўзга ташланмайдиган³.

Мил.авв.-ги VI аср сўнгги чораги ва V асрларда Амударё ўнг ва сўл соҳили худудлари жамиятнинг иқтисодий тизимида тубдан ўзгаришлар юз бергани турар-жойлар пухта режа асосида айлана, тўғрибурчак ва квадрат шаклда пахса ва тўғрибурчак шакли хажми кичик, ўрта миёна ва хажми катта қишлоқ ва шаҳарлар жамияти тараққиёти мезони бўлган.

Хоразмнинг жанубий чегарасида Амударёни Довдон ирмоғи ўрта қисми шимолида Кўзалиқир ёдгорлигида юқорида қайд қилган маданий ҳаёт ўз поёнига етган. Мазкур ёдгорлик тарихига оид аввалги бандга оид маълумотлар қайд қилинган эди. Мазкур тарихий даврда Хоразм воҳасини муайян худуди ахамонийлар томонидан Сатраплик вилояти таркибига киритилган эди. С.П.Толстов қайд қилишича, мил.авв. VI-IV асрларда Хоразм давлати Орол денгизи Орол денгизи жанубий атрофлари, шарқий Оролбўйи текислиги исседон қабиалари билан чегарада, Соғд, Гирканани жануби-шарқий, фикрига кўра, Арриан Парфия ерларини қамраб олиб XVI сатрапликни ташкил қилган.

С.Болелов Хумбузтепада, Хоразм Маъмун академияси археология гуруҳи Хазарасп, Тошқалъа ёдгорликларида, Қорақалпоғистон-Австралияни Сидней Университетида ўрнашган археологик гуруҳи Акшаханқалада, археологик изланишларни олиб бориб, антик даврга оид ашёлар олинган.⁴

Мавзу мазмунинг натижалари қуйидагича белгиланди:

Ўзбекистон худуди вилоятлар ўртасида турли-туман атамага, шаҳарлари тарихи афсоналарга сероблиги билан Хоразм воҳаси алоҳида ўринга эга бўлиб аجدодларимизнинг тарихини ўрганишга ёрдам беради. С.П.Толстов раҳбарлигида Хоразм (археология экспедицияси (1945 йилдан этнография) ярим аср мабойнида Хоразм воҳасида аجدодларимиз томонидан қолдирилган тарихий обидаларда кенг қамровли тарзда олиб берган қазилмалари муҳим аҳамият касб этган натижаларни берди. Шу маънода Хоразм экспедициясининг Хоразм тарихига оид I-XVI томлари илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинган.

³ Жданко Т.А. Проблемы полуоседлого населения в истории Средней Азии и Казахстана //СА-М.: Наука, 1961 № 2-С.57-58.

⁴ Болелов С.Б. Некоторые итоги археологических работ на Хумбузтепе //ОНУ-Ташкент, Фан, 1999 № 9-10-С 85-90. Баратов С.Р. Рахманов И.В. Новый храмовый комплекс античного и раннесредневекового времени на юге Хорезма //Традиции Востока и Запада в античной культуре Средней Азии //Сборник статей, посвященный 70 летию П.Бернара. Ташкент. 2010-С 102-105. Собиров Қ, Рузимов С. Археологические работы в Хазараспе //Вестник ККоАНРУз-Нукус, 2003 № 3-4-С 108-109. Хожаниязов Г.К., Ягодин В.Н., Хелмс С.У., Макларен Б.П. Раскопки на Акшаханкале //Археологические исследования в Узбекистане 2000 г-Самарканд 2001-С. 175-180.

Хулоса сифатида қуйидаги тарзда қайд қилиш мумкин:

-Мил.авв-ги VI аср сўнгги чорагидан бошлаб, ўтроқ зироаткор аҳоли томонидан Амударё ўнг ва сўл сарҳадларини ўзлаштирилиши бошланиш муносабати билан дастлабки деҳқончилик воҳалари шаклланиган, улар ўз навбатида аниқ географик ўринга бўлган ҳудудларнинг марказлари бўлган.

-Мил.авв. IV- милодий, мил.авв. II-I асрларда ҳажми жиҳатидан катта бўлган шаҳар типига қалъаларни бунёд қилиш кенг тус олган. Антик давр шаҳарлари атрофлари аҳоли томонидан ўзлаштирилиб, митти-митти турар-жойлар қурилиш жараёни фавқулодда кечган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Болелов С.Б. Некоторые итоги археологических работ на Хумбузтепе //ОНУ-Ташкент, Фан, 1999 № 9-10-С.89-90.

2. Болелов С.Б. Некоторые итоги археологических работ на Хумбузтепе //ОНУ-Ташкент, Фан, 1999 № 9-10-С 85-90. Баратов С.Р. Рахманов И.В. Новый храмовый комплекс античного и раннесредневекового времени на юге Хорезма //Традиции Востока и Запада в античной культуре Средней Азии //Сборник статей, посвященной 70 летию П.Бернара. Ташкент. 2010-С 102-105. Собиров Қ, Рузимов С. Археологические работы в Хазараспе //Вестник ККОАНРУз-Нукус, 2003 № 3-4-С 108-109. Хожаниязов Г.К, Ягодин В.Н.Хелмс С.У, Макларен Б.П. Раскопки на Акшаханкале //Археологические исследования в Узбекистане 2000 г-Самарканд 2001-С. 175-180.

3. Толстов С.П. Древний Хорезм-М.:МГУ 1948-С 78-93.

4. Жданко Т.А. Проблемы полуседлого населения в истории Средней Азии и Казахстана //СА-М.: Наука, 1961 № 2-С.57-58.